

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ҚЎМИТАСИ

ГЕОЛОГИЯ ФАНЛАРИ УНВЕРСИТЕТИ

«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



«Минерал ресурслар институти» ДМ

Директори

Холиков А.Б.

Қолмақир конининг оксидланган мис маъданларидан мис ва олтинни ажратиб олиш бўйича лаборатория тадқиқотларини ўтказиш бўйича

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ

Илмий ишлар ва инновациялар
бўйича директор ўринбосари в.б.

Ахмедов М.Ш.

Бош бухгалтер

Махмудова Г.П.

Иқтисод ва молиялаштириш
бўлим бошлиғи

Муксинова М.Э.

Геоинновацион технологиялар ва
минерал хомашёни комплекс
қайта ишлаш маркази бошлиғи

Хамидуллаев Б.Н.

Кичик илмий ходим

Усенов Р.Б.

Тошкент - 2022 й.

| | |
|------|--|
| I. | ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШДА ҚАТНАШЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА |
| II. | ТАКЛИФЛАРНИ БАҲОЛАШ |
| III. | НАРХ ҚИСМИ |
| IV. | ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШНИНГ ТЕХНИК ҚИСМИ |
| V. | ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ |

I. ТАНЛАШ ҚАТНАШЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

| | | |
|---|----------------------|---|
| 1 | Умумий ҳолат. | <p>1.1 Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 июлдаги ЎРҚ-684-сонли «Давлат харидлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва 2018 йил 15 майдаги 185-сонли Адлия вазирлигида 2018 йил 30 майда 3016-сон билан рўйхатга олинган «Харид қилиш тартиб-тамоилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг Низомига мувофиқ ишлаб чиқилган.</p> <p>«Буюртмачи» ёки «Ташкилотчи» энг яхши таклифларни танлаш (бундан буён матнда Танлаш деб юритилади) ҳужжатларини ва унга қўшимчаларни тўлиқлиги учун жавобгар эмас.</p> |
| | | <p>1.2 Танлаш шarti: Танлаш буюртмачиси «Минерал ресурслар институти» ДМ гидрометаллургия йўли билан Қолмақир конининг оксидланган мис маъданларидан аввал мисни сўнгра олтинни ажратиб олиш бўйича тадқиқотларни амалга оширишни режалаштирмоқда.</p> |
| | | <p>1.3 Танлаш нархи: 90 000 (тўқсон минг) АҚШ доллари ҚҚС билан. Танлашда таклиф этилаётган нархлар кўрсатилган нархдан ошмаслиги керак.</p> |
| | | <p>1.4 Хизматлар кўрсатиш бўйича техник топшириқлар танлаш ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.</p> |
| | | <p>1.5 Танлаш комиссияси йиғилиши иш кунларида онлайн ўтказилади. Танлашга таклиф берган иштирокчи корхона раҳбарлари ёки ишончнома асосида уларнинг вакиллари қатнашиши мумкин.</p> |
| 2 | Танлаш ташкил этувчи | <p>2.1 «Минерал ресурслар институти» ДМ («МРИ» ДМ) – буюртмачи (бундан буён матнда Буюртмачи деб юритилади) ва танлаш ташкил этувчисидир.</p> <p>Буюртмачи манзили: 100164, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, олимлар кўчаси, 64 уй</p> |
| | | <p>2.2 Маълумотлар учун: e-mail: info@gpniimr.uz</p> |
| | | <p>2.3 Буюртмачининг ишчи органи Танлаш комиссияси ҳисобланади «МРИ» ДМ (кейинги ўринларда - «Ишчи орган»).</p> <p>Манзили: 100164, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, олимлар кўчаси, 64 уй</p> |
| | | <p>2.4 Танлаш Буюртмачи томонидан тузилган Танлаш комиссияси (ишчи орган) томонидан ўтказилади.</p> |
| 3 | Танлаш иштирокчилари | <p>3.1 Танлашда фойдали қазилмаларни бойитиш бўйича тадқиқотларни амалга оширвучи резидент ёки норезидент иштирок этишлари мумкин. 4.2 - бандда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно.</p> |

| | | | |
|---|--|-----|---|
| 4 | Танлашни ўтказиш тартиби | 4.1 | Танлашда иштирок этиш учун танлаш иштирокчиси: а) Танлаш шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлаш ҳужжатларини электрон шаклини олиши (юклаб олиш); б) Танлаш ҳужжатлари талабларига мувофиқ муҳрланган электрон ҳужжатларни танлашга ўз таклифни тақдим этиши керак. |
| | | 4.2 | Танлашда қатнашишга қуйидаги қатнашувчиларга рухсат берилмайди: - қайта ташкил этиш тугатиш ёки банкротлик босқичидаги; - суд ёки арбитраж муҳокама ҳолатида бўлган; - виждонсиз ижрочилар Ягона реестрида бўлган; - солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлган; - имтиёзли солиқ режими таъминлайдиган ёки молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда рўйхатдан ўтган ёки банк ҳисоб рақамлари бўлган (оффшор зоналар) субъектлар. |
| | | 4.3 | Танлаш Комиссияси аъзоларига тўғридан-тўғри ёки бевосита ўз босимини ўтказган, пул, моддий бойлик ёки бошқа қимматбаҳо буюм ёки хизматни таклиф қилган, ўз ҳаракатлари билан адолатсиз рақобат устунлигига ёки манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарган иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлаштиради. |
| 5 | Танлаш тили | 5.1 | Танлаш таклифи ва унга тегишли барча ёзишмалар ва иштирокчи ва буюртмачи томонидан тузиладиган ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида тайёрланиши керак. |
| 6 | Танлаш таклифи ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби | 6.1 | Танлаш иштирокчилари кўрсатилган тартибда муҳрланган электрон ҳужжатлар кўринишида ўз таклифларини махсус электрон савдо портали орқали тақдим этади. |
| | | 6.2 | Танлаш иштирокчиларига таклифларни, рақамланган, муҳрланган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифнинг ҳар бир саҳифасида имзоланиши таклиф этилади. |
| | | 6.3 | Ҳужжатлар махсус электрон ахборот порталида эълон қилинган кундан бошлаб лот муддати давомида қабул қилинади. |
| | | 6.4 | Танлаш таклифи берилган сана ва вақт ишчи орган томонидан таклифлар реестрига киритилади ва иштирокчининг ваколатли вакилининг имзоси билан тасдиқланади (агар мавжуд бўлса). |
| | | 6.5 | Танлаш иштирокчиси: тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир; битта лот бўйича фақат битта таклиф киритиш ҳуқуқига эга; тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугагунга қадар қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга. |
| | | 6.6 | Танлаш таклифи танлаш шартларига мос келадиган техник ва тижорат таклифларидан, яъни хизмат номи, хизмат кўрсатиш |

| | | | |
|---|---|-----|--|
| | | | қиймати, умумий миқдори, тўлов шартлари, амал қилиш муддати ва бошқалар маълумотлардан иборат бўлиши шарт. |
| | | 6.7 | Электрон ҳужжатда қуйдагилар кўрсатилиши керак: танлаш мавзусининг номи; иштирокчининг номи; буюртмачининг номи ва унинг манзили. |
| | | 6.8 | Танлаш иштирокчиларининг таклифларининг амал қилиш муддати танлаш таклифларини қабул қилиш тугаган кундан бошлаб камида 30 кун бўлиши керак. |
| 7 | Танлаш таклифларни бериш муддатини узайтириш | 7.1 | Агар керак бўлса, танлаш комиссияси таклифларни қабул қилиш муддатини узайтириши, шунингдек қарори билан ўз таклифларининг амал қилиш муддатини маълум муддатга узайтириши ва бу ҳақда қатнашувчилар билан боғланиши мумкин. |
| | | 7.2 | Танлаш таклифларини топшириш муддатларининг узайтирилиши тўғрисида эълонлар порталда жойлаштирилади. |
| 8 | Танлаш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш | 8.1 | Зарур бўлганда буюртмачининг Танлаш комиссияси танлаш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Танлаш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор таклифларни тақдим этиш муддати тугашидан уч кун олдин қабул қилиниши мумкин. Танлаш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш жараёнида хизмат ёки уларнинг хусусиятларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Агар танлаш ҳужжатларига таклифлар қабул қилиш муддати тугаш куни ўзгартиришлар киритилган бўлса танлаш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб камида ўн кунга узайтирилади. Шу билан бирга агар эълонда кўрсатилган маълумотлар ўзгартирилган бўлса, танлаш эълонига ўзгартиришлар киритилади. |
| 9 | Танлаш таклифларини баҳолаш тартиби ва мезонлари | 9.1 | Танлаш ўтказиладиган куни танлаш комиссияси танлаш иштирокчилари томонидан берилган таклифларини баҳолаш учун қабул қилади ва танлаш шартларига биноан ғолибни аниқлайди. |
| | | 9.2 | Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифларни топшириш тугаган кундан бошлаб ўн кундан ошмаслиги керак. |
| | | 9.3 | Берилган таклиф ҳужжатлари мавжудлиги ва тўлиқлиги текширилади. Агар тегишли ҳужжатлар бўлмаса, танлаш комиссияси ушбу таклифни қабул қилмасликка ҳақли. |

| | | | |
|--|--|------|---|
| | | 9.4 | Танлаш комиссияси танлаш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида рад этилмаган таклифларни баҳолайди ва танлаш ғолибини аниқлайди. |
| | | 9.5 | Агар Танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар шубҳали бўлса танлаш комиссияси бундай иштирокчини танлашда қатнашишдан четлатишга ҳақли. |
| | | 9.6 | Танлаш таклифларини баҳолаш ва танлаш ғолибини аниқлаш танлаш ҳужжатларида белгиланган мезонлар асосида (2-илова) амалга оширилади. |
| | | 9.7 | Агар таклиф Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб берса тўғри бажарилган деб топилади. |
| | | 9.8 | Агар Танлаш иштирокчиси Танлаш комиссиясига тақдим этган ҳужжатлари Қонунда ва фармонда белгиланган талабларга ёки танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса Танлаш комиссияси таклифни рад этади. |
| | | 9.9 | Танлаш таклифларини баҳолаш жараёнида танлаш комиссияси қатнашувчилардан ўз таклифлари тўғрисида тушунтириш сўраши мумкин. Бу расмий тарзда ёзма равишда белгиланган тартибда танлаш ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳиятини шунингдек нархини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. |
| | | 9.10 | Агар иштирокчилар таклифларни турли ҳил валюталарда тақдим этсалар, баҳолаш вақтида таклифлар нархлари қабул қилинган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ягона валютага ўтказилади. |
| | | 9.11 | Танлаш ҳужжатларида ва таклифларда кўрсатилган мезонлар асосидаги шартноманинг бажарилиши учун энг яхши шартларни таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади. |
| | | 9.12 | Арифметик ёки бошқа хатолар бўлса танлаш комиссияси танлаш таклифини рад этишга ёки уларни кейин кўриб чиқишнинг бошқа шартларини белгилашга ҳақли. Бу ҳақда танлаш иштирокчисига хабар беради. |
| | | 9.13 | Ташқи ва маҳаллий танлаш иштирокчиларининг нархларини тўғри таққослаш учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда тегишли харажатлар (солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар) ҳисобга олинади. |
| | | 9.14 | Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари ўрнатилган тартибда танлаш комиссиясининг баённомасида қайд этилади. |
| | | 9.15 | Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси танлаш комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва ундан кўчирма имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади. |

| | | | |
|----|---|------|--|
| | | 9.16 | Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилингандан кейин танлашнинг ҳар қандай иштирокчиси буюртмачига танлаш натижаларини аниқлаштириш учун сўров юборишга ҳақли. Бундай сўров олинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида буюртмачи иштирокчига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт. |
| 10 | Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийликка амал қилиниши | 10.1 | Танлаш комиссияси ишчи органи шахслари: келиб тушган таклифлар рўйхатини юритишга, уларнинг хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлашга; комиссия раиси ва аъзолари шунингдек таклифларни ўрганиш учун тузилган ишчи гуруҳ аъзолари, иштирокчилар ҳақидаги маълумотни ошкор қилиш, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган экспертлар билан тил бириктиришга рухсат бериш ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар амалга оширилгани учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади. Шартнома бўйича мажбуриятларни (миқдорий, сифатий ва техник параметрлари бўйича) бажармаган танлаш ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ёки тузилган шартномага асосан жавобгарликка тортилади. |
| 11 | Бошқа шартлар | 11.1 | Танлашда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлаш ҳақида тушунтириш олиш учун ишчи органга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. |
| | | 11.2 | Танлаш иштирокчиси буюртмачига танлаш ҳужжатлари қоидаларини тушунтириш тўғрисида сўровни юборишга ҳақли. Буюртмачи сўров олинган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида белгиланган шаклда танлаш ҳужжатлари қоидаларига тушунтиришлар юбориши шарт. Агар кўрсатилган сўров буюртмачи томонидан белгиланган таклифларни юбориш учун муддатдан икки кундан кечиктирмай қабул қилинган бўлса. Танлаш ҳужжатлари қоидаларини тушунтириш унинг моҳиятини ўзгартирмаслиги керак. |
| | | 11.3 | Танлаш комиссияси қуйидаги ҳолатда танлашни ҳақиқий эмас деб топиши мумкин: агар танлашда битта иштирокчи ёки ҳеч ким қатнашмаган бўлса; агар таклифларни кўриб чиқиш натижаларига кўра Танлаш комиссияси Танлаш ҳужжатлари талабларига мос келмаслиги сабабли барча таклифларни рад этилган бўлса; |
| | | 11.4 | Буюртмачи ғолиб бўлган таклифни қабул қилишидан олдин исталган вақтда Танлашни бекор қилишга ҳақли. Танлаш бекор қилинган тақдирда буюртмачи ушбу қарорнинг асосли сабабларини махсус ахборот порталида эълон қилади. |
| 12 | Шартнома тузиш | 12.1 | Танлаш натижаларига кўра танлаш ҳужжатлари ва шартнома тузилган танлаш иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар бўйича шартнома тузилади. |
| | | 12.2 | Танлаш комиссияси қарори билан танлаш ғолиби деб эълон қилинган танлаш иштирокчисига буюртмачи томонидан ёзма хабарнома берилади. |

| | | | |
|--|--|------|--|
| | | 12.3 | Агар танлаш ғолиби танлаш шартларига асосан шартнома тузишдан бош тортса, шартнома тузиш ҳукуқи захира иштирокчига ўтади. Бунда захирадаги иштирокчи танлаш ғолиби таклиф қилган нарх бўйича шартнома тузиш ёки тузишдан бош тортишга ҳақли. |
|--|--|------|--|

II. ТАКЛИФЛАРНИ БАХОЛАШ

Танлаш комиссияси томонидан қатнашчилар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиққан ҳолда барча мезон талабларининг бажарилиши, танлашга тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлигига қараб баҳоланади.

Нархларни белгилаш мезонлари

| № | Мезонлар | Баҳо | Изоҳ |
|---|---|---|--|
| 1 | Замонавий ускуналар билан жиҳозланган лабораторияларнинг мавжудлиги, шу жумладан Экстрактор ва электролиз | Максимал балл: 25 балл экстрактор ва электролиз билан махсус лабораторияси мавжуд бўлган иштирокчига берилади | Ташкилотнинг тузилиши ихтисослаштирилган лабораториялар ва лаборатория-таҳлил ускуналари рўйхати билан тақдим этилади |
| 2 | Иш борасидаги тажрибасини баҳолаш. | Энг юқори 25 балл учун ушбу йўналишда энг катта тажрибага эга бўлган иштирокчига берилади | Махсус ихтисослаштирилган лабораторияларнинг мавжудлиги, бажарилган ишларнинг умумий миқдори ва турлари, хизматлар кўрсатилган саналар |
| 3 | Лаборатория тажрибалари ўтказиш жараёни | Энг юқори балл 20 балл Буюртмачи ҳудудида ўтказишга розилик билдирган иштирокчига берилади | Иштирокчи ўзига тегишли лаборатория таҳлил ускуналари билан тажрибаларини Буюртмачи ташкилот ҳудудида ўтказганлиги учун. <i>Изоҳ: буюртмачи тажриба жараёни билан мунтазам танишиши имкониятига эга бўлиши зарур.</i> |
| 4 | Малаканинг мавжудлиги | Энг юқори балл 10 балл малакали мутахассисларга эга бўлган иштирокчига берилади | Хизмат тақдим этувчи ташкилотнинг раҳбар ва кадрлар бўлими томонидан кадрлар таркибидаги малакали мутахассислар рўйхати тақдим этилади |

Эслатма: Танлаш ғолибини аниқлаш учун комиссия тўпланган барча балларни жамлайди ва энг кўп балл танлаган иштирокчи ғолиб деб ҳисобланади.

III. НАРХ ҚИСМИ

| Иш тури | Иш бирлиги | Ҳажми | Нархи 15% ҚҚС билан |
|--|------------|-------|----------------------------------|
| Қолмақир конининг оксидланган мис маъданларидан мис ва олтинни ажратиб олиш бўйича лаборатория тадқиқотларини ўтказиш бўйича | тадқиқот | 1 | 90 000 (тўқсон минг) АҚШ доллари |

| | | |
|----|-------------------------------|--|
| 1. | Охирги нарх | 90 000 (тўқсон минг) АҚШ доллари ҚҚС билан бирга |
| 2. | Молиялаштириш манбаи | № 63-3700юр лойиҳа доирасида. |
| 3. | Тўлов шартлари | Амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосан амалга оширилади |
| 4. | Тўлов валютаси | USD (доллар) |
| 5. | Хизмат кўрсатиш вақти | 2022 йил |
| 6. | Таклифнинг амал қилиш муддати | 10 кун |